

рилган бўлиб, бош компания ва унинг таркиби-га кирувчи гурухларнинг молиявий ҳисоботла-ри, унда бош ва унинг шўъба жамиятларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари акс этти-рилган. Шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг ягона субъектининг пул оқимларини ифодалаб берадиган маълумотлар ҳам акс эттирилган.

2. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишни такомиллаштиришнинг йўна-лишлари ва унинг кетма-кетлиги асослаб бе-рилган.

3. Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг тузилиши тўғрилигини исботлаш ва тасдиқлаш учун аудиторлар томонидан ўткази-

ладиган усуслар, олинган маълумотларни ол-диндан баҳолаш, шунингдек, унинг ишончлилиги ва мослигини текшира билиш қобилияти зарурӣ шартлардан ҳисобланиши асослаб бе-рилган.

4. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда ҳисоботни сифатли ва шаффоғ тузишга хизмат қиладиган босқичлар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

5. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бош компания ва унинг шўъба кор-хоналарини молия-хўжалик фаолиятини билиш ҳамда ҳисоботнинг мақсади ва вазифалари очиб берилган.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4611-сон Қарори. Халқ сўзи. 2020йил
2. “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” 10-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти. <http://www.mf.uz>
3. “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” 3-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти. <http://www.mf.uz>
4. Консолидация финансовой отчетности. Казначейское сообщество РЕМПАЛ Тематическая группа по бухгалтерскому учету и отчетности в государственном секторе. 2016., 99 с.
5. Арвачев А.В. Развитие теории и методики аудита консолидированной отчетности: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.12 / Арвачев Александр Викторович. – Воронеж, 2009. – 173 с.
6. Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари. Ном. дисс. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, 2004 й.
7. Амазов И.Р Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиши ва аудитини такомиллаштириш ном.дисс. 2020й.
8. Spiceland J. David. Intermediate accounting. /J.David Spiceland, James F. Sepe. Mark W. Nelson/ 3 th ed. 2013
9. International Financial Reporting and Analysis, 4- Edition. D. Alexander, A. Britton, A.Jorissen. 2009. 17-p
10. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed, Irwin, Printed in the USA, 2009. 17 p.
11. International Financial Reporting Standard 10 (IFRS 10) “Consolidated Financial Statements” / International Accounting Standards Board. - London, 2011. А-Б.банди
12. Ш.Т.Эргашева, А.К. Ибрагимов, Н.К. Ризаев, И.З. Юлдашева, И.Р.Ибрагимова ўқув қўлланма.
13. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар тўплами. <http://www.accaglobal.com>
14. Модеров С.В. Совместная финансовая отчетность: логика и техника построения: дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук (08.00.12). – СПб, 2013 с.13
15. Ковалев В. В., Ковалев Вит.В. Анализ баланса. – 3-е изд., перераб. и доп. –Москва: Проспект, 2016. –317 с
16. Соколов, Я.В. Судьба международных стандартов финансовой отчетности в России / Я.В. Соколов // Финансы и бизнес. – 2005. № 1. – с. 72.



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Имамова Насиба Музабаровна -
PhD Тошкент молия институти
Бухгалтерия ҳисоби кафедраси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a37

Аннотация: Мазкур мақолада компаниялар консолидациялашган молиявий ҳисоботларини ташкил этиши, тузиши, корхона молиявий ҳисоб маълумотларини бирлаштириш, ҳисоботни шакллантириш жараёни, асосий тамойиллари, молиявий ҳисоботни тузишнинг назарий ва меъёрий хукуқий асослари ёритилган. Шунингдек мақолада компаниялар консолидациялашган молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисобот халқаро стандартлари асосида ташкил қилишининг ўзига хос жиҳозларига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: Консолидациялашган ҳисоб, молиявий ҳисобот халқаро стандартлари, консолидациялашган молиявий ҳисобот, ҳисоб сиёсати.

ОРГАНИЗАЦИЯ КОНСОЛИДИРОВАННОГО УЧЕТНОГО УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ФИНАНСОВЫХ СТАНДАРТОВ

Имамова Насиба Музрафорвна -
Ташкентский финансовый институт
Департамент бухгалтерского учета

Аннотация: В данной статье описаны организация, подготовка консолидированной финансовой отчетности компаний, консолидация финансовой отчетности, процесс составления отчетности, основные принципы, теоретическая и нормативная база финансовой отчетности. Также в статье рассматриваются особенности организации консолидированной финансовой отчетности компаний на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: консолидированный учет, международные стандарты финансовой отчетности, консолидированная финансовая отчетность, учетная политика.

ORGANIZATION OF CONSOLIDATED ACCOUNTING AND REPORTING ON THE BASIS OF INTERNATIONAL FINANCIAL STANDARDS

Imamova Nasiba Muzaferovna -
PhD Tashkent Financial Institute
Department of Accounting

Annotation: This article describes the organization, preparation of consolidated financial statements of companies, the consolidation of financial statements of the enterprise, the process of reporting, the basic principles, the theoretical and regulatory framework for financial reporting. The article also discusses the specifics of the organization of consolidated financial statements of companies on the basis of international financial reporting standards.

Keywords: consolidated accounting, International Financial Reporting Standards, consolidated financial reporting, accounting policies.

Кириш. Жаҳон иқтисодиёти шиддат билан ўсиб бораётган бир даврда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ундан фойдаланувчиларга ишончли ва шаффоф бўлиши бугунги кун талабидир. Халқаро тажриба шундан далолат беради, молиявий ҳисоботларнинг шаклланиш тартиби ва таркиби, қизиқувчи фойдаланувчиларнинг талаблари кўпроқ таъсир кўрсатади. Субъектнинг молиявий ҳолатини ўрганиш учун эса унинг молиявий ҳужжатларини тушуниш керак бўлади. Ёки ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарур. Бир сўз билан айтганда, молиявий ҳисббот шаффоф ва аниқ ҳамда энг асосийи ишончли бўлиши лозим. Молиявий ҳисбботнинг ҳалқаро стандартлари ҳар доим ҳам республикамиз ҳисб ва ҳисббот тизимида ислоҳотларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида қараб келинган. Молиявий ҳисбботнинг ҳалқаро стандартларининг татбиқ этилиши ҳисбнинг ягона усулларини кўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизимини такомиллаштириш, ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчиларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар

ўзларининг шўъба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисбботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб таъкидлашимиз жоизки, корхоналарни самарали бошқаришда йирик гуруҳларга бирлаштирган ҳолда тузиш ва молиявий ҳисбботларни тайёрлашда консолидациялашган ҳисбни юритиш мақсадга мувофиқдир. Айнан консолидациялашган молиявий ҳисбботларни ҳалқаро тартиб ва талаблардан келиб чиқиб шаклланиши иқтисодий субъектлар бир-бири билан иқтисодий алоқаларни ўрнатишида ўз шерикларнинг молиявий ҳолатини яхши билишлари ва самарали бошқарувни амалга имконини беради.

Адабиётлар шархи. Ривож-ланган мамлакатлар тажрибасини кузатар экан-миз консолидациялашган молиявий ҳисбботни тузишда назарий илмий ғоялар ва фикрлар илгари сурилган. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу борада амалий жиҳатларнинг амалиётда қўлланилиши борасида турли мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб сезиларли фарқлар мавжуд. Жумладан, консолидациялашган молиявий ҳисбботни тузиш унинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан ҳам ўрганилган ва бу хусусида турли ёндошувлар мавжуд. Хусусан республикамиз иқтисодчи олимларидан И.Н.Қўзиев ва И.Авезовнинг фикрича “Консолидациялашган ҳи-

собот - бош, шўъба, ҳамкорлиқда назорат қилинадиган ва шўъба жамиятларда тузилган ҳисоботларнинг маълумотларини ўзида акс эттиради. Бунинг устига ҳисобот мулк ва молиявий аҳвол, шунингдек, фаолият натижалари компаниялар бош ва шўъба корхоналари гуруҳи бир бутун ҳолда қўриниши учун тузилиши керак" деба таъкидлаб ўтганлар[1].

И. Очилов томонидан суғурта компанияларида консолидациялашган молиявий ҳисобот тизими ўрганилиб жумладан шундай Суғурта компаниясига агар консолидация қилинган молиявий ҳисобот ва бош компаниянинг алоҳида молиявий ҳисботи тақдим этилса, сегмент тўғрисидаги маълумотлар фақат консолидация қилинган молиявий ҳисобот асосида тақдим этилиши керак. Шунингдек,консолидацияланган молиявий ҳисобот фақат бош жамиятда (асосий компанияда), улар мулкчилик туридан ва бош жамиятнинг ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назорат қилинадиган шўъба корхоналар мавжуд бўлгандагина тузилади[2].

Хорижлик кўплаб олимларнинг фикрига кўра, консолидациялашган молиявий ҳисобот бош ва қарам корхоналар фаолиятини олиб бориша ягоналашган ҳисоб ва ҳисботни юритиш ва тақдим этишдир. Жумладан,

Рус иқтисодчи олими Ю.И. Сигидов иқтисодий моҳияти жиҳатидан таъкидланганда, консолидация орқали бир нечта хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштириш мумкин[3].

В.С. Плотников ва О.В. Плотниковалар корхоналарни бирлаштириш, бизнес жараёнларини ҳисобга олиш ягоналашган ҳисобни ташкил этишда консолидациялашган молиявий ҳисоб ва ҳисботни тузида унинг концептуал асосларини шакллантиришни талаб этади[4].

Д.В.Исаев, Т.К.Кравченколар Консолидация назариясининг асосий тушунчаси корхоналар гуруҳлашувиdir. Гуруҳда алоҳида фаолият йўналишлари ва алоҳида бизнес соҳаларида фаолият юритувчи корхоналар ягона битта компания сифатида бирлаштирилмайди лекин, гуруҳлар таркибида бир нечта корхоналар фаолияти амалга оширилади, хуқуқий жиҳатдан уларнинг ҳар бири мустақил фаолият олиб боради [5] деба таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, консолидациялашган молиявий ҳисобот гуруҳлашган молиявий ҳисобот бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботлари бош корхона томонидан ягона молиявий ҳисобот сифатида тақдим этилади. Бунда компаниялар томонидан бош корхонага тақдим этилган ҳисботлар умумлаштирилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши жараёнида иқтисодий жараёнларни ўрганишнинг илмий усуллари назарий, тадқиқот, умум-

лаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, қиёсий таҳлил усуллардан фойдаланилган

Таҳлил ва натижалар. Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг таркибий қисмида холдинг компаниилар, акциядорлик жамиятлари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компанияларнинг ўрни беқиёсdir. Бу йўналишда компанияларни фаолиятини ташкиллаштиришда компаниялар иқтисодий жиҳатдан бир компанияяга ёки бир йўналишдаги молия гуруҳларига кўра бирлашадилар ва бунда хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳининг бош корхона назорати остида бирлашуви юз берса, коносолидациялашган ҳисоб ва ҳисботни амалга оширадилар. Консолидацияланган молиявий ҳисботни тузишнинг асосий мақсади бош компания таркибидаги субъектларнинг умумлашган корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўлиғича очиб беришдан иборатdir. Консолидацияланган молиявий ҳисобот моддалари компаниялар гуруҳининг молиявий ҳолати, амалга оширилган операциялар ва молиявий натижалар ўзгаришга оид ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида шакллантирилади.

Консолидацияланган молиявий ҳисботларни тузида ягоналашган ҳисоб сиёсатини кўллаш жараённинг ажралмас қисмидир. Агар консолидацияланган ҳисботларни тайёрлашда ягона ҳисоб сиёсатини кўллашнинг имконияти бўлмаса, бу ҳолат бошқа ҳисоб сиёсати кўлланилган ҳисботнинг қисмлари бўйича ёритиб берилиши лозим. Мутаносиб ҳолда тузилмаган ҳисоб сиёсатининг мажуд бўлмаслиги кейинчалик ҳисобот моддалари маълумотларини бирлаштиришда шаффоф хусусиятга эга бўлмаган маълумотларни шакллантиришга олиб келиши мумкин. Ўрганишлар давомида, бош корхона раҳбарлигидаги субъектлар гуруҳининг ҳисбот маълуотларини бирлаштириш жараёнини уч босқичга бўлишимиз мақсадга мувофиқ; дастлабки, асосий ва якуний босқичлар. Биринчи босқичда бош компания кракли кўрсаткичлар маълумотларини йиғади консолидациялашнинг ягоналик тамойиллари асосида уларни бирлаштиради. Иккинчи босқичда консолидация жараёни яъни консолидациянган ҳисбот шакллантирилади. Учинчи босқич якуний босқич, яъни бош компания илова, тушунтириш хатларида кўшимишча маълумотларни маълум қиласи ва консолидациялашган молиявий ҳисботнинг якуний босқичини амалга оширади ва тақдим қиласи (1-расм). Корхонада ҳисбот юритишнинг алоҳида йўналишлари сифатида молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисбот тизими мавжуд ва корхона ҳисбот сиёсатида операцияларни амалга ошириш бўйича тартиб қоидалар белгиланади.



1 расм. Бош корхона раҳбарлигидаги субъектлар гуруҳининг ҳисобот маълумотларини бирлаштириш жараёни

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Шу ўринда уларнинг умумлашган ҳисобини шакллантиришда яна бир жараён консолидациялашган молиявий ҳисоб ва ҳисбот тизими ни қайд этишимиз мумкин. Бош корхона таркибидаги корхоналарда консолидациялашган ҳисботни тузишда ҳисоб сиёсатида унинг асосий тамойилларини белгилаб олиш мақсадга мувоғиқ. Тамойилларнинг белгилаб олиниши ишончли консолидациялашган молиявий ҳисботларни тайёрлаш қоидаларини ўзида мужассам этади. Бундай тамойиллар сифатида ягона ҳисоб сиёсати, ягона валюта асосида ҳисбони юритиш, гуруҳлашган субъектларнинг бош компанияга бирлашуви, ҳисботни тақдим этиш кабиларни белгилаб олдик.

Ягоналашган ҳисоб сиёсати тамойили – активлар, мажбуриятлар ва субъект операцияларини амлга оширишда бир хил ҳисоб усулларини қўллаш. Консолидациялашган молиявий ҳисбот бош компания ҳисбот санасида тузилишини таъминлаш. Ҳисбот саналарида номувоғиқлик бўлса, шўъба корхона бош корхона ҳисбот санаси ҳолатига қўшимча молиявий маълумотларни тайёрлаши лозим.

Компания фойдаланувчиларига тақдим этаётган барча ҳисбот маълумотлари маълум бир валютада бўлиши керак. Консолидациялаш жараёни амалга оширилиш санасида барча валюта бирликлари ягона валюта бирлигига айлантирилади. Баланс валюта моддаларига ҳисбот даври охиридаги расмий валюта курси қўлланилади. Яъни мамлакатда амал қилинувчи валюта курсига нисбатан белгиланган ставка асосида, масалан Марказий банк курси сўмга нисбатан

Гуруҳлашган субъектларнинг бош компанияга бирлашуви бунда ҳисбот бош компания таркибидаги барча корхоналар учун умумлашган ҳолда тузилади. Бундай ҳисботларни тузиш учун шўъба корхоналарнинг қатор моддалари бош компаниянинг қатор моддалари билан умумлаштирилади.

Ҳисботни тақдим этиш тамойилида бош компания илова, тушунтириш хатларида қўшимча маълумотларни келтирган ҳолда ҳисбот маълумотларидан фойдаланувчиларга тақдим этадилар.

Юқорида ҳам қайд этилганидек, Консолидацияланган молиявий ҳисбони юритиш ва ҳисботни тузишда самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий ҳисбот халқаро стандартларида тартиб қоидалар белигланган тўлиқ маълумотлар билан таъминлаб беради. Молиявий ҳисбот халқаро стандартларида мазкур жараён бир қатор стандартлар жумладан, IAS 27 "Алоҳида молиявий ҳисботлар", IFRS 10 "Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисботлар", IFRS 3 "Бизнес бирлашувлари", IFRS 11 "Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар", IFRS 12 "Бошқа тадбиркорлик субъектларида иштирок этиш тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш", ва IAS 28 "Қарам тадбиркорлик субъектларидағи ва қўшма корхоналардаги инвестициялар" каби стандартлар билан тартибга солинади.

Ўрганишлар давомида таъкидлашимиз жоизки, консолидациялашган молиявий ҳисботни шакллантиришда асосан бош ва шўъба компаниялар ҳисботларидағи маълумотларни бирлаштириш амалга оширилади. Аммо бу жараёnda актив, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харожатлар билан боғлиқ ҳисбот маълумотларини бирлаштириш билан чекланмайди. Консолидациялаш жараёни маҳсус ҳисб-китобларни ҳам талаб этади ва бир нечта босқичли консолидациялаш (consolidation schedule)ни ўз ичига олади.

Шунингдек консолидациялашган молиявий ҳисботни тузишда бизнес бирлашуви (business combination) яъни шўъба корхоналарнинг бош корхона назоратига ўтиш жиҳатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

МХХС асосида Консолидациялашган хисобни ташкил этишининг такъослама жадвали

Түшүнчалар	БХХС 27 Алоҳида молиявий ҳисоботлар	МХХС 10 «Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар»
Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар	бу гурухнинг молиявий ҳисоботлари бўлиб, унда бош ташкилот ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари ягона иқтисодий фаолият юритувчи субъектга тегишли сифатида тақдим этилади.	Гуруҳ молиявий ҳисоботлари бўлиб, уларда бош ташкилот ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектлари активлари, мажбуриятлари, капитали, даромади, харажатлари ва пул маблағлари оқимлари иқтисодий фаолият ягона субъектининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромади, харажатлари ва пул малағлари оқимлари сифатида ифодаланади.
Компаниялар гуруҳи	Бош компания ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектлари	Бош компания ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектлари
Назорат	Назорат - корхонадан фойда олиш учун корхонанинг молиявий ва операцион ҳисоб сиёсатини белгилаш ваколатига эга бўлиш	Инвестор, агар у инвестициялар обьектида иштирок этишдан ўзгарувчан даромадлар олиш билан боғлиқ рискларга йўлиқкан ёки бундай даромадни олиш хуқуқига эга, шунингдек инвестициялар обьектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш орқали даромадга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлса, инвестициялар обьекти устидан назоратга эга бўлади.
Назоратни аниқлаш учун овоз бериш хуқуқларини ҳисобга олиш	Амал қилиш санасидан бошлаб овоз бериш хуқуқига эга	Инвестор, агар унда ҳозир аҳамиятга молик фаолиятни, яъни инвестициялар обьектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган мавжуд хуқуқлар бўлса, инвестициялар обьектига нисбатан ваколатларга эга бўлади. Кўпинча инвестор овоз бериш хуқуқлари ёки ўхшаш хуқуқлар ёрдамида аҳамиятга молик фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлади.

Манба: Муаллиф томонидан МХХС асосида тузилган.

IFRS 3 Бизнес бирлашувлари номли МХХСга кўра, “бизнес бирлашуви (business combination) сотиб олувчи бир ёки ундан ортиқ бизнеслар устидан назоратга эга бўладиган операция ёки бошқа ҳодисадир бизнес бирлашувлари ҳисобланади”[8] дея таъриф берилади. Мазкур стандартга мувофиқ бизнес бирлашуви (business combination) иккита ҳолат бўйича амалга оширилади. Биринчи ҳолат сотиб олиш (acquisition) бу ҳолатда сотиб олувчи бизнес бирлашу-

вида назоратга эга бўлади. Корхона манфаатларини бирлаштириш (merger) бунда назорат томонлар манфаатларига кўра биргалиқда амалга оширилади. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ консолидациялашни қуидаги асосий гуруҳларга ажратиб олишимиз мумкин. Яъни тўлиқ консолидациялаш, мутаносиб консолидациялаш ва улуш бўйича ҳисобга олиш усули.

МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни шаклланиш усуллари



2-расм. МХХСга мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни шаклланиш усуллари

Манба: МХХС маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Тұлиқ консолидациялаш усулида бош ташкилот ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалга оширилади. Мутаносиб консолидациялаш тұлиқ консолидациядан фарқ қиласы активларга нисбатан асосан амалга оширилади. Асосан құшма фаолият ҳисоботларини бирлаштиришда күлланилади. Капиталдаги улушлар инвестор әгалигидаги тадбиркорлик субъектиларнинг әгалик улушларини ва ўзаро тадбиркорлик субъектларнинг мулк әгасининг, аъзосининг ёки иштирокчисининг улушларини Англатиш учун кенг маънода күлланилади. Бунда асосан инвесторнинг улуши назарда тутилади инвестиция обьектининг соғ активлари балансда алоҳида сатр, улуш сифатида акс эттирилади.

Хулоса ва таклифлар. Корпоратив бош-қарув бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юри-тишда тезкор ва ишончли ахборотга эхтиёж се-зади. Молиявий ҳисботларни консолидация-лашган молиявий ҳисбот шаклида юритиши-нинг яна бир ўзига хос жиҳати ҳисбот маълу-мотларидан фойдаланувчилик учун хусусан инвестор акциядорлар учун бош компания молиявий ҳисбот кўрсаткичлари орқали унинг молиявий ҳолати ва унинг натижалари билиш имконияти мавжуд бўлади ва бир қанча назорат қилинувчи компаниялар устидан ягона маълу-

мот олиш имконияти борлигидадир. Хулоса сифатида айтганда, мамлакатимизда бизнес бирлашувларнинг амалга оширилиш ва корпоратив бошқарувда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тайёрлашга боқичма-босқич ўтиш заруратини юзага келтиради ва натижада:

Биринчидан консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари учун халқаро капитал бозорларига қўшилиш имкониятини очадиган муҳим қадамлардан бири бўлади.

Иккинчидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ундан ахборот фойдаланувчилар талабларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, бошқарув ва иқтисодий қарорларни қабул қилишда ҳам асосий мезон ҳисобланади.

Учинчидан хорижий капитални жалб этишда инвесторларга тақдим этилаётган маълумотларда субъект бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисботларда молиявий ахборотлар шаффоғлигини таъминлайди.

Түрткінчидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тайёрланған консолидациялашған ҳисоботлар халқаро иқтисодий тилда ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Кўзиев И.Н., Авазов И. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
 2. Очилов И. МХХС талаблари бўйича суръурта компанияларида консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишни такомиллаштириш <https://uzjournals.edu.uz/interfinance> Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 26.
 3. Сигидов И, Настенко Д.А, Актуальные проблемы формирования консолидированной финансовой отчетностию. Международный бухгалтерский учет 9 (255) – 2013
 4. Плотников В.С. ва О.В Плотникова Анализ теоретических основ концепции консолидированной финансовой отчетности *Economic Analysis: Theory and Practice ISSN 2311-8725 (Online) 11 (2016) 90–103*
 5. Д.В.Исаев, Т.К.Кравченко Автоматизированные системы формирования консолидированной финансовой отчетности Учебное пособие Москва – 2006 139 б
 6. IFRS 3 Business Combinations <https://www.iasplus.com/en/standards/ifrs/ifrs3>
 7. IAS 27 Consolidated and Separate Financial Statements <https://www.iasplus.com>
 8. IFRS 10 Consolidated Financial Statements <https://www.ifrs.org/>



КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРЙИ ЭТИШ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a38

Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич
ТДИУ докторант

Аннотация: Корхоналарнинг бозор муносабатлари шароитида бир маромда фаолият кўрсатиши жуда кўп омилларга боғлиқ. Бундай шароитда узоқ муддатли молиявий мақсадлар ва вазифаларни белгилашда стратегик ёндошув амалга оширмасдан, инвестиция лойиҳаларини амалага ошириш натижасида ҳарқандай барқарор натижага эришиши жуда қийин бўлади. Мақола турли соҳалардаги корхоналар ва айниқса "Ўзбекеџидроэнерго" АЖнинг молиявий қарорлар қабул қилишадаги стратегик ёндошувни қўллаш моҳияти тасвириланган.

Калит сўзлар: стратегия, стратег, молиявий стратегия, рақобат, гидроэнергетика.